

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

*№ 3 (3) - 2023*

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРЬ МУАММОЛАРИ

---

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

---

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ**

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ 3 (3)-2023*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### **ТАРИХ ФАНЛАРИ:**

**Юлдашев Анвар Эргашевич** – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Мавланов Уктам Махмасабирович** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Хазраткулов Аброр** – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### **ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:**

**Ҳакимов Назар Ҳакимович** – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

**Яхшиликков Жўрабой** – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

**Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич** – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

**Ҳошимхонов Мўмин** – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

**Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна** – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### **ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

**Ахмедов Ойбек Сапорбаевич** – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

**Кўчимов Шухрат Норқизилович** – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

**Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна** – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

**Кучкаров Раҳман Урманович** – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

**Юнусов Мансур Абдуллаевич** – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Саидов Улугбек Арипович** – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### **ЮРИДИК ФАНЛАР:**

**Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна** – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

**Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна** – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

**Эсанова Замира Нормуратовна** – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

**Зулфиқоров Шерзод Хуррамович** – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

**Хайитов Хушвақт Сапарбаевич** – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Асадов Шавкат Ғайбуллаевич** – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Сайдуллаев Шахзод Алиханович** – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети.

### **ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

**Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна** – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

**Ибрагимова Гулнора Хавазматовна** – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

**Закирова Феруза Махмудовна** – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот

технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

**Тайланова Шоҳида Зайниевна** – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### **ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

**Каримова Васида Маманосировна** – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

**Ҳайитов Ойбек Эшбоевич** – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

**Умарова Навбахор Шокировна** – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

**Атабаева Наргис Батировна** – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

**Қодиров Обид Сафарович** – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### **СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

**Латипова Нодири Мухтаржановна** – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

**Сеитов Азамат Пўлатович** – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

**Содиқова Шоҳида Мархабоевна** – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### **СИЁСИЙ ФАНЛАР**

**Назаров Насриддин Атақулович** – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

**Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич** – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

#### **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

#### **Crossref DOI:**

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

#### **Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**“Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари”** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

#### **Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй.

#### **Электрон манзил:**

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

*Axmedov Jasurbek, Jabborova Gavharshod*

QANQA ARXEOLOGIK YODGORLIGINI MUZEYLASHTIRISH MASALASI ..... 9-14

*Шухрат Эргашев*

ФРАНЦИЯДА ИККИНЧИ РЕСПУБЛИКА ИНҚИРОЗИ ВА 1851 ЙИЛГИ ДАВЛАТ

ТЎНТАРИШИ ..... 15-23

*Касимова Шахноза Алишеровна*

ПРИЕМЫ ЭФФЕКТИВНОЙ КОММУНИКАЦИИ В МУЗЕЙНОЙ ЭКСКУРСИИ ..... 24-29

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

*Файзиева Ширин Шодмоновна*

АГРОКЛАСТЕРЛАР ВА МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРУВЧИЛАР ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ  
ИҚТИСОДИЁТДА ТУТГАН ЎРНИ ..... 30-35

*Мусагалиев Ажунияз Жумагулович, Дустова Мухайё Худайбердиевна*

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДАГИ АЙРИМ  
МАСАЛАЛАР ..... 36-41

*Murodova Nargiza Utkirovna*

TURIZM MARKETING FAOLIYATIDA STRATEGIK BOSHQARUVNING AHAMIYATI ..... 42-47

*Kuchkarov Baxrom Kuziyevich, O'rmonov Xasanboy Haydarovich*

КОМПАНИЯЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ТО'ЛОВГА ЛАЙОҚАТСИЗЛИГИ ХАВФИНИ АНИҚЛАШ ..... 48-55

*Temirova Feruza Sagdullayevna*

MARKETINGNING ZAMONAVIY TEXNOLOGIYASI -  
BRENDING FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISH ..... 56-62

*Sobirova Marhabo Haitovna*

МЕВА-SABZAVOT KOOPERATSIYASINING IQTISODIY SAMARADORLIGINI OSHIRISH  
YO'LLARI ..... 63-67

*Mamajonova Gulasal Oribjon qizi*

KORXONALARIDA ISHLAB CHIQRISH QUVVATLARIDAN FOYDALANISHNING  
SAMARADORLIGINI OSHIRISH MASALALARI ..... 68-77

*Davlyatshayev Akmal Ashurmamatovich*

О'ЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙОТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ИНВЕСТИЦИЯ РИСКЛАРИНИ  
БОШҚАРИШ SAMARADORLIGINI OSHIRISH ..... 78-87

*Тўхтамишов Азиз Қаҳрамонович*  
КЛАСТЕР ЁНДАШУВИ АСОСИДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ  
МОҲИЯТИ, МАЗМУНИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ ..... 88-101

*Каржавова Хуршида Абдумаликовна*  
МАҲАЛЛА ТИЗИМИДА ИННОВАЦИОН ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР КўРСАТИШНИНГ  
АСОСИЙ ЙўНАЛИШЛАРИ ..... 102-110

*Soliyev Dilmurod Jamolovich*  
AYLANMA MABLAG'LARNI SAMARALI BOSHQARISH KORXONA FAROVONLIGINING  
ASOSIDIR ..... 111-119

*Sultonova Mushtariy Abdulabbosovna*  
RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA BUXGALTERIYA HISOBINI TASHKIL ETISH  
MASALALARI ..... 120-130

#### **09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

*Тўраев Шавкат Нишонович*  
ЖАМИЯТ МАФКУРАСИ ИЖТИМОЙ САФАРБАР ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ ..... 131-137

*Qodirov Davronbek Hoshimovich*  
TASAVVUF TA'LIMOTINING NAZARIYOTCHISI – ABULQOSIM QUSHAYRIY ..... 138-143

*Sharipov Dilshod Baxshilloevich*  
TINCHLIKNING UNIVERSAL (DUNYOVIY) TARTIB BO'YICHA TAHLILI ..... 144-148

#### **10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

*Гаппаров Алибек Қаршибоевич*  
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЛЕКСИКАНИНГ СОЦИОЛИНГВИСТИК АСПЕКТИ ..... 149-155

*Fayzieva Zuxra, Sharipova Yoqut Quدراتиллаевна*  
APPLICATION OF GAME TECHNOLOGIES IN TEACHING FOREIGN LANGUAGE TO THE BLIND  
AND VISUALLY IMPAIRED ..... 156-161

*Ахмедшина Лилия Рафаэльевна*  
РЕПРЕЗЕНТАЦИЯ КОНЦЕПТОВ «МУЖ « И «ЖЕНА»  
В ПОСЛОВИЦАХ И ПОГОВОРКАХ ..... 162-166

*Kholmuminova Makhliyo*  
DIFFERENCE BETWEEN MEANINGS IN UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES ..... 167-171

*Shirinova Yekaterina*  
NUTQIY TAFAKKURNING PSIXOLINGVISTIK MUAMMOLARI ..... 172-178

## 12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР

*Қутлымуратов Фархад Қалбаевич*

ЮРИДИК ШАХСНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШДА СОЛИДАР  
ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ ..... 179-185

*Kasimov Nodirjon Sodikjonovich*

QASDDAN O'DIRISH JINOYATINING TUSHUNCHASI, TAVSIFI VA JINOIY HUQUQIY  
XUSUSIYATLARI ..... 186-196

*Урманбаева Ферузахон Саттаровна*

ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИКНИНГ ЗАРУРИЯТИ ВА МОҲИЯТИ ..... 197-203

## 13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

*Tursunaliyev Ilhomjon Axmedovich*

“HAYOT DAVOMIDA TA'LIM” – JISMONIY TARBIYA VA SPORT MUTAXASSISLARINI UZLUKSIZ  
KASBIY RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK MEKANIZMI SIFATIDA (NAZARIY JIHATLAR  
TAHLILI) ..... 204-210

*Mamatqosimov Jahongir Abirqulovich*

BO'LAJAK REJISSORLARNING KASBIY KOMPETENSIYALARINI TAKOMILLASHTIRISHDA  
TRENING MASHQLARINING AMALIY AHAMIYATI ..... 211-217

*Turdimurodov Dilmurod Yo'ldoshevich*

YUQORI SINIF O'QUVCHILARIDA QAT'IYATLILIK SIFATINI JISMONIY TARBIYA DARSLARIDA  
TARBIYALASH ..... 218-223

*Бабаходжаева Наргиза Мухитдиновна*

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ  
ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ..... 224-229

*Mengliqulov Xayrulla Aliqulovich*

HARAKATLI O'YINLAR ORQALI 14-15 YOSHLI SUZUVCHLARNING JISMONIY SIFATLARINI  
RIVOJLANTIRISH ..... 230-236

*Fayzullaeva Madina Abdumumin kizi*

ADVANCED PEDAGOGICAL EXPERIENCES IN ORGANIZING AND DEVELOPING THE  
EDUCATIONAL PROCESS ON THE BASE OF DIGITAL TECHNOLOGIES ..... 237-244

*Yusupov Dilmurod Abdurashidovich*

YADRO FIZIKASI BO'LIMLARINI O'QITISHDA INNOVATSION KOMPYUTER  
TEKNOLOGIYALARINI QO'LLASH ORQALI TALABALAR FAOLLIGINI OSHIRISH ..... 245-254

*Ergashev Omonboy Turgunbayevich*

TALABALARNING BADIY TAFAKKURINI RIVOJLANTIRISHNING IJTIMOY ZARURATI VA  
PEDAGOGIK ASOSLARI ..... 255-260

<i>Ruzmetova Novval Vahabdjano</i> THE ROLE OF FOLK TRADITIONS IN FORMING LEGAL CULTURE OF STUDENTS OF LAW SCHOOLS .....	261-269
<i>Raxmatov Otabek Urinbosarovich</i> BO'LAJAK JISMONIY TARBIYA O'QITUVCHILARIDA MILLIY SPORT TURLARI ASOSIDA AMALIY KOMPETENTLIKNI RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI .....	270-274
<i>Makhmudov Furqat Djumaboyevich</i> YORUG'LIK KVANT NAZARIYASINING VUJUDGA KELISHI. YORUG'LIK KVANTI MAVZUSINI O'QITISH USULLARI .....	275-281
<i>Бабахова Гулзиба Зиятбаевна</i> К ВОПРОСУ МЕТОДИКИ ИЗУЧЕНИЯ ТЕОРИИ АТОМОВ ВОДОРОДА ПРИ ПРЕПОДАВАНИИ КУРСА КВАНТОВАЯ МЕХАНИКА .....	282-289
<i>Dexkanov Sherzod Abdumutalibovich</i> KAFEDRALARARO BITIRUV MALAKAVIY ISHLARINI TAYYORLASH – SIFATLI TA'LIMNI TA'MINLASHNING MUHIM OMILI SIFATIDA .....	290-296
<i>Ҳакимова Муқаддас Ҳасановна</i> КОМПЕТЕНТЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ-ПЕДАГОГИК ИЖОДКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ .....	297-301





1.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари. -2023. -№ 3 (3).  
ISSN: 2181-1342 (Online)  
<https://scienceproblems.uz>

13.00.00 – Педагогика фанлари

**Ҳакимова Муқаддас Ҳасановна**  
Термиз давлат педагогика институти  
Жисмоний тарбия назарияси ва  
методикаси кафедраси ўқитувчиси

### **КОМПЕТЕНТЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ-ПЕДАГОГИК ИЖОДКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**Аннотация:** Мақолада бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг педагогик ижодкорлиги объектив янгилик ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган маънавий ва моддий объектларни яратишга қаратилган фаолият, шунингдек, сифат жиҳатидан янги ёндашувлардан фарқ қиладиган фаолият сифатида намоён этишда талаба шахсининг ижодкорлигини шакллантириш ва ривожлантириш муаммолари кўриб чиқилган. Ушбу жараён олий таълим муассасасида таълим жараёнини ташкил этиш ва юксак билимдон, ижодий фикрлайдиган шахсни шакллантиради. Тадқиқот аниқланган муаммоларни ҳал қилиш йўллари излаш, ўқув жараёнини ташкил этиш нуқтаи назаридан спорт олийгоҳлари талабаларининг мотивацион соҳасини шакллантириш ва шу орқали ижодкорлик қобилиятларини намоён этишга ҳаракат қилишни кўзда тутади. Талабаларнинг ўқув ва ижодкорлик фаоллигини ошириш, фаол ўқитиш усуллари жорий этиш, аудиторияда ижодий муҳит яратишда ўқитувчиларнинг ўрни муҳим аҳамиятга эга.

**Калит сўзлар:** компетенция, жисмоний тарбия, бўлажак ўқитувчилар, касбий-педагогик ижодкорлик, ижодкорлик фаолияти.

**Ҳакимова Муқаддас Ҳасановна**  
Термезский государственный педагогический институт  
Преподаватель кафедры Теория и методика  
физического воспитания

### **РАЗВИТИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКОГО ТВОРЧЕСТВА БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ ФИЗИЧЕСКОЙ ВОСПИТАНИЯ НА ОСНОВЕ КОМПЕТЕНТНОСТНОГО ПОДХОДА**

**Аннотация:** В статье рассматриваются проблемы становления и развития творческих способностей студентов в проявлении педагогического творчества будущих учителей физической культуры как деятельности, направленной на создание предметной новизны и духовно-материальных объектов, имеющих общественное значение, а также качественно отличающихся от новых подходов. Этот процесс организует образовательный процесс в вузе и формирует высокообразованную, творчески мыслящую личность. Целью исследования является поиск путей решения выявленных проблем, формирование мотивационного поля студентов спортивного вуза в части организации учебного процесса и попытка тем самым проявить свою креативность. Важна роль педагогов в повышении учебной и творческой активности студентов, внедрении активных методов обучения, создании творческой атмосферы в аудитории.

**Ключевые слова:** компетентность, физическое воспитание, будущие учителя, профессионально-педагогическое творчество, творческая деятельность.

**Hakimova Mukaddas Hasanovna**  
Termez State Pedagogical Institute  
Lecturer at the Department of Theory and Methods  
physical education

## DEVELOPMENT OF PROFESSIONAL AND PEDAGOGICAL CREATIVITY OF FUTURE TEACHERS OF PHYSICAL EDUCATION ON THE BASIS OF COMPETENCE-BASED APPROACH

**Abstract.** The article deals with the problems of the formation and development of students' creative abilities in the manifestation of pedagogical creativity of future teachers of physical culture as an activity aimed at creating subject novelty and spiritual and material objects of social importance, as well as qualitatively different from new approaches. This process organizes the educational process at the university and forms a highly educated, creatively thinking person. The purpose of the study is to find ways to solve the identified problems, to form a motivational field for students of a sports university in terms of organizing the educational process and thereby try to show their creativity. The role of teachers is important in increasing the educational and creative activity of students, introducing active teaching methods, and creating a creative atmosphere in the classroom.

**Key words:** competence, physical education, future teachers, professional and pedagogical creativity, creative activity.



<https://doi.org/10.47390/1342V3I3Y2023N40>

**Кириш.** Ҳар бир Олий таълим муассасасининг биринчи вазифаларидан бири бўлажак ўқитувчининг ижодий ташаббусини тўғри йўналишда ривожлантириш бўлиб, бунда талабалар томонидан билимларни ўзлаштириш жараёни ижодкорлик билимларини яратиш даврига ўтиши, фаолиятнинг изланувчанлик услубини шакллантириш, кенг дунёқарашни шакллантириш, педагогик фаолиятнинг умумий қонуниятларини тушуниб етиш, педагогик муаммоларни ижодий томондан ҳал этиш учун тобора кўпроқ янги билимларга эга бўлиш ва синтез қилиш усуллари билан тўлдириш каби хусусиятлардан иборат бўлиши керак. Бу хусусиятлар ижодий фаолиятда ёрқин ва тўлиқ намоён бўлади. Олий таълим тизими педагогик кадрлар тайёрлашда индивидуал ижодий ёндашувга асосланиши керак. Педагогик жараён шундан келиб чиққан ҳолда, шахснинг ижодий ривожланишини таъминлаш учун талабанинг шахсий фаолияти асосида қурилиши керак.

Жисмоний маданият факултети талабалари, яъни бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчилари тайёргарлиги таҳлили шуни кўрсатадики, талабалар томонидан ҳозирги вақтда кўпроқ жисмоний машғулотларга катта эътибор қаратилмоқда ва бунда педагогик кўникмаларга нисбатан ҳаракат кўникмаларнинг устунлиги мавжуд эканлиги маълум бўлиб қолмоқда. Кўпгина ҳолларда талабаларда ташаббускорликнинг етишмаслиги, спорт фаолиятининг устуворлиги, ўз касбий тажрибасини таҳлил қилиб умумлаштира олмаслик каби салбий ҳодисалар яққол намоён бўлиб қолиши ҳоллари учраб турибди. Шу билан бирга, замонавий ҳаётнинг динамиклиги ва мураккаблиги бўлажак мутахассисдан ўзини касбий фаолият стереотипидан озод қилишни, ностандарт вазиятдаги вазифаларни доимий равишда ғайриоддий шароитларда ҳал

қилишни талаб қилади. Шунинг учун жисмоний маданият факултетларида ўқитиш дастури ва методикаси талабаларнинг касбий фаолиятга барқарор мотивациясини шакллантиришга хизмат қилиши керак.

Шундай қилиб, олийгоҳ олдида қийин вазифа туриши аниқ, бунда фақат маълум шарт-шароитлар яратилган ва бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлашнинг аниқ педагогик тизими бўлганда ушбу муаммоларни ҳал қилиш мумкин бўлади. Бу ерда энг муҳими, бўлажак жисмоний маданият мутахассисларининг педагогик фаолиятга мойиллигини ҳисобга олиш керак. Мойиллик фаол қизиқиш сифатида, агар унга мос келса, бу фаолиятнинг шаклланишида етакчи ўринни эгаллайди.

**Адабиётлар таҳлили ва методология.** Психологик-педагогик адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчисининг педагогик ижодкорлигини ривожлантириш мақсадли ва самарали бўлиши керак. Педагогик ижодкорлик фақат педагогик реал-амалий фаолиятда шаклланади ва ривожланади. Ижодкорлик фаолияти - бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиси шахсиятининг ижодкорлигини ривожлантиришнинг мақсади, шarti ва воситаси сифатида қаралади.

Психология ва педагогикада ўқитувчининг педагогик ижодкорлигининг шаклланиши ва ривожланиши Л. С. Виготский, Н. В. Кузмина, И. А. Мартинюк, И. А. Колесникова, В. Ф. Овчинников каби олим ва тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Бу ёндашувлар шахснинг индивидуал хусусиятлари ва ижтимоий-маданий, касбий муҳитнинг бирлигида шахсдан ажралмас бўлган педагогик ижодкорликнинг шаклланиши ва ривожланишини кўриб чиқиш билан тавсифланади. Педагогик ижодкорликни шакллантиришда етакчи ўрин шахснинг турли томонлари ва хусусиятларига берилади. Буларга шахснинг ижодий салоҳияти, ижодий фикрлаши, шахс ичидаги қарама-қаршиликлар, ўз-ўзини ривожлантириш, ижодий фаоллик, ижодий йўналиш киради.

Бўлажак жисмоний маданият ўқитувчисининг касбий тайёргарлиги тизими унинг барча умумий эътироф этилган таркибий қисмларини, яъни субъект (ўқитувчи фаолияти), объект-субъект (талаба фаолияти), воситалар (тайёргарлик мазмуни), фаолиятнинг натижаси ва шартларини ўз ичига олади. Таъкидлаш жоизки, мутахассисни тайёрлаш жараёни унинг фаолияти мазмуни билан узвий боғлиқдир.

“Педагогик фаолият” тушунчаси фалсафа, психология, педагогика фанларида ишлаб чиқилган фаолият тушунчасига асосланади. Фалсафада фаолият инсоннинг мавжуд бўлиш усули сифатида таърифланади ва шахснинг ўзи объектив ва субъектив эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда табиатни ва ўз ҳаётини фаол равишда ўзгартирувчи восита сифатида тавсифланади. Фалсафий энциклопедик луғат фаолиятга қуйидаги таърифни беради: «Фаолият - бу атрофдаги оламга фаол муносабатнинг ўзига хос инсоний шакли бўлиб, унинг мазмуни уни одамлар манфаатларига мос равишда ўзгартиришдан иборат». Психология-педагогика фанига “фаолият” атамасини биринчи марта Л. С. Виготский киритган. Кейинчалик М. М. Поташник [4] томонидан ишлаб чиқилган ва экспериментал тадқиқотларда қўлланилган. Фаолиятнинг репродуктив ва продуктивга бўлиниши айниқса муҳимдир. Агар биринчиси жамиятга аллақачон маълум бўлган натижага эришишга қаратилган бўлса ва мавжуд ҳаракатлар схемаларини такрорлашга асосланган бўлса, иккинчиси янги мақсадлар ва тегишли

воситаларни ишлаб чиқиш билан боғлиқдир. Ҳозирги вақтда олиб борилаётган тадқиқотлар ўқитувчининг фаолияти ижодий хусусиятга эга эканлигини ишонч билан исботлаб бермоқда.

Шу муносабат билан бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг ижодий салоҳиятига жамиятнинг талаблари ортиб бормоқда. Таълим жараёни субъектларининг потенциал имкониятларини аниқлаш ва рўёбга чиқаришга, педагогик ижодкорликга тайёр бўлган педагогик кадрларни тайёрлашнинг мақбул мазмуни, шакллари ва усулларини излашга, ўз-ўзини фаоллаштиришга ҳисса қўшадиган шахсга йўналтирилган педагогик технологиялар жадал ривожланмоқда. Бўлажак ўқитувчининг педагогик ижодкорлигини шакллантириш ва ривожлантириш маҳаллий ва хорижий адабиётларда инсон ҳаёти давомида узоқ давом этадиган жараён сифатида қаралади.

**Тадқиқот натижалари ва уларни муҳокама қилиш.** Педагогик ижодкорлик фақат педагогик реал-амалий фаолиятда шаклланади. Фаолият бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиси шахсиятининг ижодкорлигини шакллантиришнинг мақсади, шарти ва воситаси сифатида қаралади. Тадқиқотнинг мақсади педагогик ижодкорликнинг мазмунини очиб бериш, уни бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлашда шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат эди. Ўқитувчининг ижодкорлик фаолиятига тўлиқ таърифни В. А. Сухомлинский бериб, шундай деган эди: «Олимнинг кашфиёти инсоний муносабатларда, фикр ва ҳис-туйғуларнинг жонли портлашида ҳаётга тўғри келганда, ўқитувчи олдида кўп воситалар билан ечиш мумкин бўлган мураккаб вазифа ва воситаларни танлашда назарий ҳақиқатларнинг инсон тафаккури ва ҳиссиётларининг жонли импульсларида гавдаланиши айнан ўқитувчининг ижодий меҳнати сифатида намоён бўлади».

Фалсафий, психологик ва педагогик адабиётларни кўриб чиқиш шуни кўрсатадики, педагогик ижодкорликнинг бир қанча таърифлари мавжуддир. Масалан, А. Ц. Деминский [2] педагогик ижодкорликни таълим муассасасида ўқув жараёнини ташкил этишда сифат жиҳатидан янги ёндашувлар билан ажралиб турадиган ва замонавий фан нуқтаи назаридан юксак билимдон, ижодий фикрлайдиган шахсни шакллантирадиган фаолият деб қарайди. Педагогик ижодкорликни Ю. К. Бабанский [1] таълим-тарбия ишларининг янада оқилона йўлларини топишга, педагогик муаммони самарали ҳал қилишга қаратилган ўқитувчи фаолиятининг фаол жараёни сифатида белгилайди. Бу педагогик фаолиятнинг ҳолати, уни ўқитувчи кўр-кўрона қабул қилмайди, балки текширади, жавоб топишга уринади, кўп изланади, фан ва амалиёт эришган нарсалар асосида ўз тажрибасини лойиҳалаштиради ва яратади. С. А. Новоселов [3] педагогик ижодкорликни “мақсади объектив янгилик ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган, таълим жараёнини такомиллаштиришга қаратилган маънавий ва моддий объектларни яратиш бўлган фаолият тури” деб таърифлайди.

Ушбу таърифларга кўра, биз бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчисининг педагогик ижодкорлиги объектив янгилик ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган маънавий ва моддий объектларни яратишга қаратилган фаолият, шунингдек, сифат жиҳатидан янги ёндашувлардан фарқ қиладиган фаолият сифатида намоён бўлишини кўраемиз. Ушбу жараён олий таълим муассасасида таълим жараёнини ташкил этиш ва юксак билимдон, ижодий фикрлайдиган шахсни шакллантиради.

Педагогика назариясида ижодкорлик фаолиятнинг учта ривожланган муайян механизмлари мавжуд:

- модификациялашган - баъзи бир таниқли техника, яъни шунга ўхшашли ёки прототипига эга бўлган нарсани такомиллаштириш, рационаллаштириш, модернизация қилиш, ўзгартиришни ўз ичига олади. Бу ерда биз илгари мавжуд бўлган, аммо оммавий амалиётда йўқолган, унутилган нарсаларни янги шароитларда кўпайтиришни ҳам киритишимиз мумкин;

- комбинатив - бу комбинацияда ҳали қўлланилмаган, аввал маълум бўлган усуллар элементларининг янги комбинациясини ўз ичига олади (маълум элементларнинг бирлашиши бутунлай янги эффект, янги тизимли сифатларни, бошқача айтганда, янги технологияни келтириб чиқариши мумкин);

- радикал - тубдан янги, инновацион ёндашувларнинг туғилишини ўз ичига олади, уларнинг ҳали ҳам ўхшашлари ҳам, прототиплари ҳам йўқ бўлади.

Бўлажак ўқитувчи ижодкорлик фаолиятининг зарурий шarti – бу бўлажак ўқитувчи шахсининг педагогик ижодкорлигини шакллантириш бўлиб, у муайян педагогик фаолиятда ривожланади ва шаклланади.

Жисмоний тарбия ўқитувчилари учун В.Т.Яловикнинг [5] қарашларидан келиб чиққан ҳолда, бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг педагогик ижодкорлигини шакллантириш самарадорлигига таъсир қилувчи сифатларга қуйидагилар киради:

- ички бирлик, яхлитлик, чунки бу хусусиятга эга болган шахс ўз йўналишини белгилайдиган мотивларнинг аниқ устунлигини қуришга қодир;

- когнитив эҳтиёж ва у келтириб чиқарадиган интеллектуал фаолият;

- ўз-ўзини билиш, таҳлил қила олиш ва ўз фаолиятини англаш жараёни.

Педагогик ижодкорликнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- янгилик яратиш ёки маълум бўлган нарсани сезиларли даражада такомиллаштириш;

- фаолият маҳсулининг ўзига хослиги, унинг натижавийлиги.

**Хулоса.** Кўпгина тадқиқотларга асосланиб, ижодкорлик фаолиятига бўлган эҳтиёж - бўлажак ўқитувчи шахсини ривожлантиришнинг шarti, асоси ва воситаси эканлигини таъкидлаш мумкин. Олий таълим муассасасининг асосий мақсади олий ўқув юртида ўқиш жараёнида педагогик ижодкорликни шакллантириш орқали ижодий фикрлайдиган, касбий баркамол янги авлод ўқитувчилари - бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлашдан иборатдир.

### Адабиётлар/Литература/References:

1. Бабанский Ю.К. Оптимизация учебно-воспитательного процесса - М., Просвещение, 1982
2. Деминский А.Ц. Теория и методика физического воспитания и спорта - Донецк: Донбас, 2001
3. Новоселов С. А. Педагогика – М., “Юрайт”, 2001
4. Поташник М.М. Педагогическое творчество: проблемы развития и опыт: Пособие для учителя. - К.: Рад. шк., 1988 - 187с.
5. Яловик В.Т. Психологические основы подготовки будущих учителей физической культуры – Волынь, 2000



ISSN: 2181-1342 (Online)

Сайт: <https://scienceproblems.uz>

DOI: 10.47390/1342V3I3Y2023

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 3 (3) – 2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).